# Куч — адолатда

2012 йил,
22 декабрь,
шанба
№ 51 (408)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.oliysud.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


**Мамлакатимизда демократик ҳуқуқий давлат қуриш, жамият ҳаётининг барча соҳаларини босқичма-босқич ва изчил модернизация қилиш ҳамда янгилаш йўлида амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар ўз самарасини бераётир.**

**Бу жараёнда жамиятнинг муҳим бўғини бўлган оила институтини муҳофазалаш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётир. Зеро, оила фарзандларни тарбиялаш, одамларнинг маънавий ва жисмоний камолотига хизмат қилиш, уларни ягона мақсад йўлида бирлаштириш, иқтисодий-ижтимоий тараққиётни таъминлаш вазифалари учун ҳам масъулдир.**



## ОИЛА ВА МАҲАЛЛА: МУШТАРАК ЭЗГУ МАҚСАДЛАР ЙЎЛИДА

Соҳанинг қонунчилик асослари яратилгани, жумладан, Конституцияда оиланинг жамиятда тутган ўрни, ижтимоий мақоми алоҳида белгилаб қўйилгани, оила жамиятнинг асосий бўғини ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга экани қайд этилгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, соғлом оилани шакллантириш бўйича мақсадли вазифаларни ҳаётга татбиқ этишда маҳалланинг ўрни янада кучайтиб бораётгани эътиборга молик. Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси ҳамда **"Мустаҳкам оила йили"** Давлат дастурида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва аҳамиятини кучайтириш, оила институтини ҳар томонлама мустаҳкамлашга қаратилган вазифалар белгилангани бунга замин яратди.

**(Давоми иккинчи бетда)**

---

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фуқароларга ҳуқуқий хизматлар кўрсатишнинг қонуний асосларига бағишланган давра суҳбати бўлиб ўтди.**

*Xabar*

## Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кафолатланади



Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси томонидан ташкил қилинган тадбирда депутатлар, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги мутахассислари, Адвокатлар палатаси аъзолари, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази раҳбарлари ва тингловчилари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Ўзбекистонда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, уларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича самарали тизим шаклланган. Бу борада амал қилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, чунончи, "Адвокатура тўғрисида", "Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида", "Нотариат тўғрисида"ги ва бошқа кўплаб қонунлар мунтазам такомиллаштирилмоқда. Бу эса, демократик ҳуқуқий давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этишга хизмат қилмоқда.

**(Давоми иккинчи бетда)**

---

*Mulohaza*

## Демократик ислоҳотлар

### уларни рўёбга чиқаришдаги собитқадамлик самараси

**Якунланаётган йилда мамлакатимиз ўз мустақиллигининг 21 йиллигини қарши олди, яқинда эркин ва фаровон ҳаётимизнинг муҳим ҳуқуқий кафолати бўлган Конституциямиз қабул қилинганлигининг 20 йиллигини кенг нишонладик. Тарих учун қисқа муддат ҳисобланган мана шу давр мобайнида барча жабҳаларда амалга оширилган ва оширилаётган кенг кўламдаги ислоҳотлар самараси ўлароқ, Ўзбекистон дунёдаги энг ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгалламоқда. Жамият ҳаётидаги мустаҳкам барқарорлик, демократик ўзгаришлар йўлидаги собитқадамлик, инсон ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳуқуқий кафолатлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш, энг асосийси, биз ўз танлаб олган йўлимиздан оғишмай, қатъият билан дадил одимлаётганимиз эришаётган улкан ютуқларимизнинг асосий омили бўлмоқда.**

Дарҳақиқат, бугун буюк ва муқаддас Ватаннинг камолини, Мустақиллик аталмиш улуғ неъматнинг аҳамиятини, истиқлолнинг юртдошларимиз ҳаётида тутган ўрни, онгу тафаккуримиздаги оламшумул ўзгаришлар моҳиятини янада теранроқ англаб етмоқдамиз.

Шуни фахр билан эътироф этиш жоизки, истиқлол шарофати билан мамлакатимизда халқаро ҳуқуқ меъёрларига тўлиқ жавоб бера оладиган миллий ҳуқуқий тизим яратилди.

Биз истиқлолга эришган дастлабки йилларданоқ, Президентимиз раҳнамолигида демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этиш йўлини танладик. Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлаш жамиятни ривожлантириш ҳамда давлат қурилишининг энг устувор йўналишларидан бири сифатида белгиланди.




**(Давоми учинчи бетда)**

---

**2013 йил 1 январгача барча автомототранспорт воситалари янги миллий давлат рақамига эга бўлиши шарт.**

*Qaror va ijro*

## Автомототранспорт: давлат рақами ва халқаро талаб

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида халқимиз турмуш фаровонлигини юксалтириш йўлида амалга оширилаётган ислоҳотлар самаралари аҳолининг автомобиль транспорти хизматидан фойдаланиш имкониятлари кенгайиб бораётганида ҳам яққол намоён бўлмоқда.

Кўчаларимизни тўлдириб юрган, асосан мамлакатимизда ишлаб чиқарилган автомобилларнинг нафақат техник имкониятлари, балки дизайни ҳам халқаро андозалар даражасида.

**(Давоми тўртинчи бетда)**

---

**Аввало шуни айтиш керакки, суд экспертизаси суднинг махсус билим талаб қилинадиган масалалар бўйича текширув олиб бориш ва хулоса беришдан иборат процессуал ҳаракати ҳисобланади. Суд экспертлик фаолияти эса, экспертизани ташкил этиш ҳамда уни ўтказишга ваколатли бўлган органлар томонидан амалга ошириладиган ҳаракатлар тизими саналади.**

*Huquqiy ma'rifat*

## Эксперт ёки экспертлар комиссиясининг хулосаси

Судда ишни кўриш вақтида фан, техника, санъат ёки бирон-бир ҳунар соҳасида махсус билимларни талаб қиладиган масалаларнинг моҳиятига етиш зарурати туғилса, суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосига кўра ёки ўз ташаббуси билан экспертиза тайинлаши мумкин.

**(Давоми учинчи бетда)**

---

*Qonun ko`magi*

## Шартнома интизоми

### унга қатъий амал қилиш томонлар манфаатига хизмат қилади

**Маълумки, шартнома деганда, нафақат юридик факт, балки моддий, номоддий манфаатлар тўғрисидаги ҳуқуқий муносабат, томонларнинг ўзаро келишувини акс эттирадиган ҳужжат тушунилади. Демак, хўжалик юритувчи субъектлар ёки тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи фуқаролар ўртасидаги муносабатлар қонунлар билан бирга шартномалар орқали ҳам тартибга солинади.**



**(Давоми иккинчи бетда)**

---

*Fuqarolik qonunchiligi*

## Ерга оид муносабатлар

### уни тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари

**Ер — умуммиллий бойлигимиз. Ундан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг муқаддас бурчимиздир.**

Маълумки, амалдаги Ер кодексида давлат ҳокимияти идораларининг ер муносабатларини тартибга солиш соҳасидаги ваколатлари, давлат ер кадастри, ерга нисбатан мулкчилик, ердан фойдаланиш ҳуқуқининг вужудга келиши ва тугатилиши асослари, ер участкаси мулкдорининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ер хусусидаги низоларни ҳал этиш, ер қонунчилигини бузганлик учун жавобгарлик каби масалаларга кенг ўрин берилган.

Албатта, ер қонунчилигини бузиш ҳолатлари аниқланса, бу кўпинча суд тартибида, қонун талабидан келиб чиққан ҳолда, ҳал этилади.

**(Давоми иккинчи бетда)**

*Xabar*

# Фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кафолатланади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси А.Раҳимов, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази директори А.Ғофуров ва бошқалар шу ҳақда гапирди. Миллий қонунчиликка биноан давлат органлари ва мансабдор шахслар фуқаролар мурожаатларида кўтарилган масалалар юзасидан тушунтириш беришлари, уларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатишлари лозим.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 23 августда қабул қилинган **"Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарорида фуқароларга малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш ва бу борадаги ишларни мувофиқлаштириш вазифаси адлия органлари зиммасига юклатилган.

Давра суҳбатида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни такомиллаштириш инсон ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш тизимининг муҳим таркибий қисми бўлган фуқароларга ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш институтини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш имконини бергани қайд этилди.

**Сардор ТОЖИЕВ,**
*ЎзА мухбири*

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Ерга оид муносабатлар




**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Масалан, З.Холиқназарова ва бошқалар «Қурбонхўжа» фермер хўжалиги раиси З.Қурбоновни тегишли тартибда ер участкасидан кўчиришни сўраб, судга мурожаат қилишган.

Ўз навбатида, З.Қурбонов ҳам «Нурота» қишлоқ фуқаролар йиғини ва Сайхунобод тумани ҳокимлигига нисбатан ер майдони ажратиш ҳақидаги ҳужжатларни ҳақиқий эмас, деб топиш ва қурилган уй-жойни мажбурий тартибда буздириш ҳақидаги қарши даъво талаби билан судга мурожаат қилган.

Фуқаролик ишлари бўйича туманлараро судининг ҳал қилув қарори билан фуқароларнинг даъво талаби рад этилган. «Қурбонхўжа» фермер хўжалиги раисининг қарши даво талаби қисман қаноатлантирилган.

Аниқланишича, ушбу фермер хўжалигига ер участкаси фақатгина ижара асосида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун ажратилган, аммо фермер хўжалигининг собиқ раҳбари 2007 йил 10 апрелдаги йиғилиш баённомасига асосан хўжаликка қарашли 137-сонли контурдаги 0.8 гектар ер майдонида фермер хўжалиги аъзоларига уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиш ҳақида қарор чиқарган.

Аслида ер участкаларини бериш масаласи дастлаб маҳаллий ҳокимият қошидаги ваколатли комиссия томонидан кўриб чиқилиб, туман ҳокимига хулоса берилганидан сўнг қарор қабул қилиниши лозим. Бунга риоя қилинмаган ҳолда З.Холиқназарова, К.Холиқназаров, А.Холиқназаровга туман ҳокимига ёзган аризаларига биноан фермер хужалигига қарашли ердан уй-жой қуриш учун ер участкаси ажратиб берилган.

Судга тақдим этилган ҳужжатлар ўрганилганда ҳақиқатан ҳам, А.Холиқназаров томонидан «Қурбонхўжа» фермер хўжалигига қарашли 137-сонли контурда уй қурилганлиги аниқланган.

Биринчи инстанция суди фермер хўжалигининг ер ажратиш ҳақидаги баённомаси, «Нурота» қишлоқ фуқаролар йиғини ва Сайҳунобод тумани ҳокимининг қарорлари давлат ва юридик шахсларнинг манфатларига зид келиши боис уларни қонун талабига мувофиқ чиқарилган деб бўлмайди, деган тўхтамга келган. Бу эса, ўз навбатида, уларни ҳақиқий эмас, деб топишга асос бўлади.

Фуқаролик кодексининг 12-моддасида давлат органининг ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг қонун ҳужжатларига мувофиқ бўлмаган ҳамда фуқаронинг ёки юридик шахснинг ҳуқуқларини ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини бузадиган ҳужжати суд томонидан ҳақиқий эмас, деб топилиши мумкинлиги қайд этилган.

Шу сабабли апелляция инстанция суди ер ажратиш ҳақидаги чиқарилган қарорларни ҳақиқий эмас деб топди. А.Холиқназаров томонидан низоли ерда қурилган уй-жой унинг ҳисобидан мажбурий тартибда буздириб ташланиши белгиланди.

Ҳа, адолат қарор топди. Ер ўз эгасига қайтарилди. Кўриниб турибдики, қонунга суянган киши асло қоқилмайди. Зеро, Асосий Қонунимизнинг 20-моддасида белгиланганидек, фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, ер халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Шу боис уни асраб-авайлаш, ер қонунчилигига риоя этиш барчанинг бурчи эканини унутмайлик.

**О.НАЗАРОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилоят суди раиси вазифасини бажарувчи*

*2013-yil — Obod turmush yili*

# Оила ва маҳалла: муштарак эзгу мақсадлар йўлида

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Маълумки, юртимизда оилага узоқ асрлик шаклланиш босқичларини босиб ўтган қадриятлар хазинаси, Ватан ичидаги мўъжаз Ватан сифатида қаралади. Кейинги йилларда оила соғлом экан — жамият мустаҳкам, жамият мустаҳкам экан — мамлакат барқарордир, деган қатъий ишонч қарор топди. Оилавий муносабатларни ота-онага юксак эҳтиром, ўзаро ҳурмат ва меҳр-оқибат, фарзандлар тарбияси, одоб-ахлоқ, садоқат, покизалик сингари инсоний фазилатлар негизида қуриш мазкур қадриятлар асосини ташкил этади. Ота-онанинг фарзандлар тақдири учун масъулияти, фарзандларнинг ота-она олдидаги бурчлари теран тартибга эга.

Шу боис мамлакатимизда оила институтини мустаҳкамлаш, унинг баркамол ривожланиши учун ташкилий-ҳуқуқий асосларни ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан этиб белгиланган. Бу борадаги эзгу ғоялар давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, кенг жамоатчилик ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг мазкур йўналишдаги самарали ҳамкорлигини таъминлаш учун мустаҳкам норматив базани шакллантирган Оила кодекси ҳамда мамлакатимизнинг бошқа ўнлаб қонунларида ўз ифодасини топди ҳамда ривожлантирилди.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури доирасида жорий йилда қабул қилинган **"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"**ги қонун оилани, айниқса, ёш оилаларни оилавий бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали мустаҳкамлашда ғоят муҳим ўрин тутади. Бошқача айтганда, мамлакатимизда шаклланган миллий анъаналарга мос оилавий бизнесни ривожлантириш йўли билан оила мустаҳкамланаётганини кўриш мумкин.

Мамлакатни демократик янгилаш жараёнида Ўзбекистонда фуқароларнинг муҳим ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишда фуқаролик институтларининг роли ва аҳамиятини кучайтиришга қаратилган икки юздан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Ўзбекистон қонунчилигида жойлардаги давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, маҳаллалар ҳудудидаги корхона ҳамда ташкилотлар фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг иштирок этиши кўзда тутилган. Жумладан, 2012 йилнинг ўтган тўққиз ойида фуқаролар йиғинларида туман, шаҳар ва вилоят ҳокимликлари раҳбарларининг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти соҳасига кирадиган масалалар юзасидан 5400 дан зиёд ҳисоботлари эшитилди.



Хулоса қилиб айтганда, Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепциянинг ҳаётга татбиқ этилиши, унга мувофиқ жамиятда эркинлаштириш жараёнларининг чуқурлашуви ва демократик қадриятларнинг янада мустаҳкамланиши Ўзбекистонда ушбу йўналишда амалга оширилаётган улкан ишларда маҳаллаларнинг роли ҳамда аҳамиятини янада ошириш, пировардида бу оилалар манфаатларига хизмат қилади.

**Муаттархон РЎЗИБОЕВА**

*Qonun ko`magi*

# Шартнома интизоми

## унга қатъий амал қилиш томонлар манфаатига хизмат қилади

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Шартноманинг мукаммаллиги унинг тарафлар манфаатлари доирасида эканлиги, амалдаги қонун талабига мувофиқ келиши, юридик жиҳатдан мустаҳкам ҳимояга эга бўлишига боғлиқ.

Жаҳон андозаларига мос равишда ишлаб чиқилган ва 1997 йил 1 мартдан амалга жорий этилган Фуқаролик кодексида шартнома интизомини тартибга солувчи барча қоидалар ўзининг тўлиқ ифодасини топган.

Шунингдек, 1998 йил 29 августда **«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши Фуқаролик кодекси қоидаларини аниқ ва соддалаштирилган ҳолда амалиётда қўллаш учун кенг имконият яратди.

Мамлакатимизда шартномавий муносабатларга бу даражада юксак эътибор қаратишдан кўзланган асосий мақсад шартнома маданиятини тўлиқ шакллантиришдан иборатдир.

Президентимизнинг 2011 йил 23 августдаги тегишли қарори билан тасдиқланган **«Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги тўғрисида»**ги Низомда шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш, энг аввало, қишлоқ хўжалиги, ишлаб чиқариш соҳасида шартномаларни тузиш ва бажаришда хўжалик юритувчи субъектларга амалий ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиб, амалга ошириш ҳамда шартномавий-ҳуқуқий интизомни мустаҳкамлаш адлия идораларининг асосий вазифаларидан бири сифатида белгиланган.



Айтиш керакки, бу борада Наманган вилояти адлия бошқармаси томонидан ҳам муайян ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бошқарманинг иш режасига мувофиқ, тайёрлов ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари билан тадбиркорлик субъектлари, шу жумладан, фермер хўжаликлари ўртасида маҳсулотлар етказиб бериш ва хизмат кўрсатиш тўғрисидаги шартномалар амалий ёрдам бериш йўли билан ўрганиб чиқилмоқда.

Айтиш керакки, айрим тайёрлов ва хизмат кўрсатиш корхоналари томонидан шартнома шартларига тўлиқ амал қилмай, зиммаларига олган мажбуриятни талаб даражасида бажармаслик ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Масалан, «Мингбулоқ Агротех сервис МТП» масъулияти чекланган жамиятида шартномавий-ҳуқуқий муносабатлар бўйича амалга оширилган ишлар қонунийлигини ўрганиш жараёнида аниқланишича, масъулияти чекланган жамият билан тумандаги «Ғайрат», «Гигант чегара», «Раҳмонали ота», «Бегойим Ботирали» ва «Муротали ҳожи» фермер хўжалиги 51 505 786 сўмлик техника хизматлари кўрсатиш ва бошқа турдаги маҳсулот сотиб олиш бўйича шартнома тузилган.

Фермер хўжаликлари томонидан шартномада белгиланган мажбуриятлар тўлиқ бажарилган, бироқ масъулияти чекланган жамияти томонидан кўрсатилган техника хизмати ҳисобидан «Ғайрат» фермер хўжалигига 7 637 120 сўм, «Гигант чегара» фермер хўжалигига 16 205 950 сўм, «Раҳмонали ота» фермер хўжалигига 13 262 734 сўм, «Бегойим Ботирали» фермер хўжалигига 4 500 000 сўм ва «Муротали ҳожи» фермер хўжалигига 9 899 982 сўмлик маблағлар тўлаб берилмаган.

Ваҳоланки, тарафлар ўртасида тузилган шартноманинг 5.2-бандида «Ижарага олувчи» «Ижарага берувчи»га шартнома имзолангач, 15 кун муддатда шартнома умумий суммасининг камида 50 фоизини олдиндан тўлаб бериши, тўловнинг қолган қисми йил мобайнида амалга оширилиши дея қайд этилган.

Наманган вилоят адлия бошқармаси томонидан фермер хўжаликларига тўлаб берилмаган маблағларни ундириш бўйича «Мингбулоқ Агротех сервис МТП» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан вилоят хўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Вилоят хўжалик суди томонидан ушбу даъво аризалари кўриб чиқилиб, фермер хўжаликлари фойдасига «Мингбулоқ Агротех сервис МТП» масъулияти чекланган жамиятидан тўлаб берилмаган маблағларни ундириш бўйича ҳал қилув қарори қабул қилинди.

Хулоса қилиб айтганда, шартнома қонунчилиги шартномавий муносабатга кирувчи томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз ичига қамраб олиши билан бирга, уларнинг манфаатларига путур етмаслиги кафолатини ҳам ўзида мужассамлаштирган. Бунга амал қилган субъектлар фаолияти ривожланиб бораверади.

**Жаҳонгир ИНОЯТОВ,**
*Наманган вилояти адлия бошқармаси масъул ходими*

*Jinoyatga jazo muqarrar*

# Мулк ҳуқуқи дахлсизлиги

**Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари жараёнида жиноий жазоларнинг либераллаштирилаётгани алоҳида аҳамият касб этмоқда.**

2001 йилда қабул қилинган **"Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"**ги қонун биноан ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркуми кенгайтирилди. Хусусий мулк дахлсизлиги кафолати сифатида мол-мулк мусодараси жазо тизимидан чиқарилди. Етказилган моддий зарар ихтиёрий тарзда қопланган тақдирда, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайдиган бўлди. Дастлабки тергов ва эҳтиёт чораси сифатида қамоқда сақлаб туриш муддатлари қисқартирилди.

Шунингдек, айрим жиноятлар учун жиноят оқибатида етказилган моддий зарар уч баравар қилиб қопланган тақдирда, судланувчига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги белгилаб қўйилди.

Олий суд Пленумининг 2004 йил 21 майдаги **"Жазоларни либераллаштириш тўғрисидаги қонунни иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларга нисбатан қўллашнинг айрим масалалари ҳақида"**ги қарорида қонуннинг мазкур нормаларида назарда тутилган талаб бажарилган тақдирда тегишли апелляция, кассация, назорат инстанцияси суди моддий зарар ўрни қайси судлов босқичида қопланганлигидан қатъи назар, қамоқда сақланаётган шахсларга нисбатан эҳтиёт чораси турини, озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўтаётган шахсларга нисбатан эса, жазо турини ўзгартириш масаласини дарҳол ҳал этиш зарурлиги ҳақида судларга раҳбарий тушунтириш берилди.

Айтиш керакки, қонунчиликка киритилган бу каби демократик ўзгартиришлар амалда кутилган самарани бермоқда. Қуйида баён этиладиган мисоллар ҳам бу фикрни яққол тасдиқлайди. Жумладан, Урганч шаҳридаги "Топаз" масъулияти чекланган жамияти раҳбари Олланазар Ҳайитов ва Хоразм вилояти ҳокимлиги ягона буюртмачи хизмати инжиниринг компанияси лойиҳаларни бошқариш ва қурилишни техник кузатиш бўлимида етакчи мутахассис бўлиб фаолият юритган Бекберган Раҳматуллаев ўзаро жиноий тил бириктиради.

*Mulohaza*

# Демократик ислоҳотлар

## уларни рўёбга чиқаришдаги собитқадамлик самараси



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган, ривожланишнинг "ўзбек модели" деб ном олган машҳур беш тамойил мамлакатимизни том маънода янги тараққиёт босқичига олиб чиқди. Ўзига хос ва ўзига мос бўлган тадрижий бу йўл Ўзбекистон учун энг мақбул эканлиги ҳозирга келиб кундалик ҳаётда ўз амалий ифодасини топгани, кутилганидан ҳам зиёд ижобий натижаларни кўрсатаётгани барчамизга аён ҳақиқат.

Агар 1991-2000 йиллар биз учун миллий давлатчилик асосларини шакллантириш, туб ислоҳот ва ўзгаришлар даври бўлган бўлса, кейинги йиллар фаол демократик янгиланишлар ва мамлакатни модернизация қилиш даври сифатида тарих зарварақларига муҳрланмоқда. Давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти тармоқлари ташкил этилиб, ижтимоий ва фуқаролик институтлари фаолияти йўлга қўйилди. Шу билан бирга иқтисодиётни эркин бозор муносабатларига ўтказиш жараёни изчил амалга оширилди. Тараққиётимизнинг иккинчи босқичида эса, сиёсий ва иқтисодий ҳаёт, давлат ва жамият қурилишининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш ва эркинлаштириш, мустақил суд тизимини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, одамларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий фаоллигини ошириш, фуқаролик жамияти асосларини шакллантириш асосий йўналишга айланди.

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, шахснинг ҳуқуқий манфаатларини қонун йўли билан ҳимоя қилишни янада кенгайтириш, мамлакатда қонун устуворлигини таъминлаш, ҳуқуқий маданиятни янада юксалтириш борасида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириб келинмоқда.

Мамлакатимизда кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари, деган тамойилга асосланган демократик ислоҳотлар марказида инсон омили, унинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари доимо устувор бўлиб келаётгани фуқароларимизнинг тинч-тотув, осойишта турмуш кечиришлари, бунёдкорлик ишлари билан эмин-эркин шуғулланишлари учун етарли шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиб бераётгани тараққиётимизда муҳим омил бўлмоқда.

Айтиш керакки, мустақилликка эришганимиздан буён ўтган давр мобайнида инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини кафолатловчи 400 дан зиёд қонунларнинг ҳаётга жорий этилгани, 70 дан ортиқ халқаро шартномаларнинг Ўзбекистон Республикаси томонидан ратификация қилингани ҳам юқоридаги фикримиз далилидир. Энг асосийси, Конституциямизда шахс эркинлиги ва ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қатор меъёрларнинг мустаҳкамлаб қўйилгани, мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг институционал тизими яратилгани истиқлолнинг халқимизга ҳадя этган энг олий меваси бўлиб, ислоҳот ислоҳот учун эмас, ислоҳот инсон учун, унинг бахт-саодати учун, деган тамойилнинг ҳаётимиздаги ифодасидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси бугунги ҳаётимизнинг барча жабҳаларини либераллаштиришда навбатдаги муҳим босқич бўлди.

Мазкур Концепцияда мустақиллик йилларида босиб ўтган йўлимиз ва тўплаган тажрибамизга холис баҳо берилиб, қўлга киритган юксак марраларимизни ҳар тарафлама таҳлил этган ҳолда, мамлакатимизни тадрижий ва босқичма босқич ривожлантириш бўйича биз танлаган моделнинг нақадар тўғри эканига ва бундан буён ҳам шу йўлдан оғишмай, қатъият билан боришимиз зарурлигига алоҳида эътибор қаратилган. Ушбу Концепция чуқур таҳлилларга бойлиги, кенг қамровлилиги, юртимизда кечаётган жараёнларга бутунлай янгича қараш билан ёндашилгани, жамият ҳаётининг барча жабҳаларини янада демократлаштириш борасида илғор ғояларнинг ўртага ташлангани билан ниҳоятда долзарб аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, Концепция мамлакатни демократлаштириш ва модернизация қилиш бўйича танлаган йўлимизда навбатдаги изчил қадам ҳисобланади. Бугунги кунда Концепцияда белгиланган устувор вазифалар самарали амалга оширилаётгани ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, ижтимоий-сиёсий ҳаётни эркинлаштириш борасидаги саъй-ҳаракатларимизни тизимли равишда давом эттиришимизда муҳим омил бўлмоқда.

Бир сўз билан айтганда, эркин фуқаролик жамияти, қонун устуворлигига асосланган янги жамият барпо этмоқдамиз. Бу борада амалга ошираётган кенг кўламли ва залворли саъй-ҳаракатларимиз эса, албатта, ўзининг юксак самараларини бераверади.

**Шухрат ДЕҲҚОНОВ,**
*Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати*

*Huquqiy ma`rifat*

# Эксперт ёки экспертлар комиссиясининг хулосаси

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Экспертиза асосан судда ўтказилади. Агар текширишнинг хусусияти тақозо қилса ёки текшириладиган буюмни судга келтиришнинг имкони бўлмаса, шунингдек, келтириш қийин бўлса, экспертиза суддан ташқарида ўтказилади.

Қайд этиш жоизки, суднинг экспертиза тайинлаш тўғрисидаги ажримида қандай масалалар бўйича эксперт хулосаси талаб қилинаётгани, шунингдек, экспертиза ўтказиш кимга топширилаётгани албатта, кўрсатилади. Экспертларни тайинлашда суд ишда иштирок этувчи шахсларнинг фикрларини ҳам инобатга олади.

Эксперт ёки экспертлар комиссияси текширишларни ўтказиб бўлгач, ана шу эксперт ёки ушбу комиссия таркибига кирган ҳар бир эксперт имзоси билан тасдиқланган хулоса тузади. Бундан ташқари суд экспертдан ўзининг хулосасини оғзаки тушунтириб беришни талаб қилиш ҳуқуқига эга. Экспертнинг оғзаки тушунтириши суд мажлисининг баённомасига киритилади, сўнг экспертга ўқиб берилади ва эксперт томонидан имзоланади.

Экспертнинг ёки эксперт комиссиясининг хулосасида экспертиза ўтказилган сана ва унинг жойи, ўтказиш учун асос, экспертизани тайинлаган судья ва эксперт ҳақида маълумотлар ва экспертизани ўтказиш топширилган ташкилот ҳақида маълумотлар қайд этилади. Бундан ташқари хулосада экспертнинг била туриб, нотўғри хулоса берганлиги, хулоса беришни рад этганлиги ёки бу ишдан бўйин тоблаганлиги учун жиноий жавобгарлик тўғрисида огоҳлантирилганлиги, экспертнинг олдига қўйилган саволлар, экспертга тақдим этилган текшириш объектлари ва иш материаллари, экспертиза ўтказилаётганда ҳозир бўлган шахслар ҳақида маълумотлар қайд этилади. Шунингдек, хулосада текширишларнинг мазмуни ва натижалари, борди-ю бу текширишлар агар экспертлар комиссияси ишлаган бўлса, ким томонидан ўтказилганлиги, текшириш натижаларининг баҳоланиши, қўйилган саволларга берилган асосли жавоблар, иш учун аҳамиятга молик бўлган ва экспертнинг ташаббусига кўра аниқланган ҳолатлар кўрсатилиши лозим.

Шу ўринда экспертлар комиссиясига тааллуқли баъзи қонун меъёрларини алоҳида кўрсатиб ўтиш лозим. Гап шундаки, экспертизанинг экспертлар комиссияси томонидан ўтказилиши экспертизани тайинлаган суд ёки мазкур экспертизанинг ўтказилишини ташкил этувчи давлат суд-экспертиза муассасаси ёхуд бошқа корхона, ташкилот, муассаса раҳбари томонидан белгиланади. Экспертлар комиссияси ўз олдига қўйилган масалаларни ҳал этиш лозимлигидан келиб чиқиб, ўтказиладиган текширишларнинг мақсади, кетма-кетлиги ва ҳажмини келишиб олишади.

Экспертлар комиссияси таркибидаги ҳар бир эксперт текширишларни мустақил ва алоҳида олиб боради. Шу каби шахсан ўзи ва комиссиянинг бошқа аъзолари томонидан олинган натижаларни баҳолайди ҳамда қўйилган саволлар юзасидан ўз билими доирасида фикрларни билдиради. Қонун талабига кўра, текширишлар экспертлар комиссияси таркибига киритилмаган шахслар томонидан ўтказилишига йўл қўйилмайди.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 12 декабрдаги **«Фуқаролик ишлари бўйича экспертиза тайинлаш, ўтказиш ва эксперт хулосасига баҳо беришда суд амалиётида келиб чиқадиган айрим масалалар ҳақида»**ги 24-сонли қарорига алоҳида тўхталиш лозим. Чунки ушбу қарор судларга экспертиза тайинлашда процессуал қонун нормаларини тўғри қўллашда раҳбарий тушунтириш вазифасини ўтамоқда.

**Ўткир АСЛОНОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судининг судьяси*

*Ogohlik*

# Пиротехника буюмлари

## уларнинг қонунга хилоф муомаласи ҳуқуқий оқибатларни келтириб чиқаради

**Янги йил байрами арафасида баъзан ўйинқароқ болалар томонидан «пақилдоқ» отиш ҳоллари ҳам учраб туради. Кейинги йилларда тегишли идораларнинг саъй-ҳаракати билан бундай ҳолларга барҳам берилмоқда. Бунда 2010 йил 22 сентябрда қабул қилинган «Пиротехника буюмлари муомаласи тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун муҳим аҳамият касб этди. Чунки мазкур қонунда пиротехника воситаларини мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, сотиш ва фойдаланганлик учун жавобгарлик кучайтирилди.**



Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $185^{1}$-моддасида пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш, тайёрлаш, сақлаш, ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек, уларни қонунга хилоф равишда республикамиз ҳудудига олиб кириш, олиб чиқиш ёки ўтказиш ҳоллари содир этилган тақдирда ҳуқуқбузарлик ашёлари мусодара қилиниб, энг кам иш ҳақининг беш бараваридан йигирма бараваригача миқдорида жарима солишга сабаб бўлиши назарда тутилган.

Агар мазкур маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ҳам шундай ҳаракатлар содир этилса, бу жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Чунки бундай жиноятлар учун Жиноят кодексида энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари белгиланган.

Юқоридаги ҳолатлар кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёки мансаб мавқеини суиистеъмол қилиш йўли билан содир этилган бўлса, баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Юқоридаги ҳолатлар жуда кўп миқдорда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, одам ўлишига сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум этиш жазоси қўлланилади. Шунингдек, агар одамлар ўлимига ёки бошқача оғир оқибатларнинг келиб чиқишига сабаб бўлса, саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши кўзда тутилган.

Албатта, барчамиз келажагимиз эгалари — фарзандларимизнинг кўнгилсиз ҳодисалардан холи бўлишини истаймиз. Шу боисдан агар кўча-кўйда, жамоат жойларида, айниқса, бозорларда яширин равишда «пақилдоқ» сотаман, дейдиган одамларни учратсак, уларга бефарқ қарамаслигимиз зарур. Атрофдагиларнинг, айниқса, болаларнинг саломатлигидан кўра, қонунга хилоф равишда пул топишни афзал билган бундай кимсалар тегишли жазосини олиши лозим. Шунда байрамларни тинч-хотиржам қаршилаймиз, оиламиз, юртимиз осуда бўлади.

**Отабек ХЎЖАЁРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Нарпай тумани судининг девонхона мудири*

# — барқарорлик гарови



Ҳамтовоқлар Урганч туманидаги 19-сонли мактаб биносини мукаммал таъмирлаш ишлари чоғида 43,7 миллион сўм маблағни қўшиб ёзиш йўли билан талон-торож қилишган.

Бироқ бу жиноий қилмиш изсиз кетмайди. Уларнинг ҳар бирига биринчи босқич суди томонидан Жиноят кодексининг 167 ва 209-моддаларига мувофиқ 5 йилу 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Шунингдек, айбдорлар муайян муддатга моддий жавобгарлик юкланган мансабдорлик лавозимларида ишлаш ҳуқуқидан ҳам маҳрум этилди.

Айтиш керакки, ушбу жиноят иши апелляция тартибида кўрилгунга қадар ўтган вақт мобайнида давлатга етказилган 43,7 миллион сўмлик моддий зиён тўлиқ қопланди. Шундан сўнг вилоят судининг апелляция инстанцияси бу ҳолатни инобатга олди. Яъни ҳар икки маҳкумга нисбатан тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси иш ҳақининг муайян қисмини ушлаб қолишдан иборат шартли ҳукмга алмаштирилди. Айбланувчилар суд залидан озодликка чиқарилди.

Хулоса қилиб айтганда, қонунчилигимиздаги инсонпарварлик, кечиримлик тамойиллари амалда билиб-билмай хато қилган, тўғри йўлдан адашган фуқароларнинг хатосидан тўғри хулоса чиқаришига кенг имкон бермоқда.

**Қодирберган ЯХШИМУРОДОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Хоразм вилояти суди раисининг ўринбосари*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...

***— Айтинг-чи, қонунда ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жавобгарлик белгиланганми?***

**Н. ЗИЁДОВ,**
*Нарпай тумани*

— Сизнинг бу саволингизга жавобан шуни айтиш керакки, Жиноят кодексининг $229^{1}$-моддасида ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олганлик учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ушбу моддага асосан, ер участкаларини ўзбошимчалик билан эгаллаб олиш, агар худди шундай ҳаракатлар маъмурий жазо қўлланилгандан кейин содир этилса, жиноий жавобгарликка сабаб бўлади. Ва ушбу шахсга энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорида жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ жазоси тайинланади.

***— Яқинда қўшнимизнинг ўғли ҳуқуқбузарларга шерикликда айбланиб қолди. Кейинчалик маълум бўлишича, ҳуқуқбузарлар вояга етмаган боланинг соддалигидан фойдаланган экан. Айтинг-чи, қонунда вояга етмаганларни ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб этган шахсларга ушбу қилмиши учун жавобгарлик белгиланганми?***

**Х.САЛИМОВА,**
*Сергели тумани*

— Ҳа, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг $188^{1}$-*моддасига асосан, вояга етмаган шахсни маъмурий ҳуқуқбузарлик содир этишга жалб қилиш — энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўттиз бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.*

**Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Hikmat*

## Донолар дейдиларки

***Ота-онага муҳаббат — барча яхши фазилатларнинг асоси.***

* * *

***Яхши характерли кишиларнинг ҳаёти ҳам яхши бўлади.***

* * *

***Бирортаси билан ўз ишинг юзасидан маслаҳатлашмоқчи бўлсанг, энг аввало, у ўз ишларини қандай йўлга қўйиб олганига эътибор қил.***

* * *

***Одамнинг ўзи истамаса, ҳеч қандай ўгит-насиҳатлар унга тўғри йўл кўрсатолмайди.***

* * *

***Ҳар қандай одамнинг қалбида сахийга муҳаббат, бахилга нафрат бор.***

* * *

***Меҳнат ва меъёр — инсоннинг энг содиқ шифокори мана шу: меҳнат иштаҳани очади, нафсни тийиш эса иштаҳани суиистеъмол қилмасликка гаров бўлади.***

* * *

***Дўстлик — ҳаёт зарурати, чунки умри гарчанд роҳат-фароғатда ўтса ҳамки, ҳеч ким ҳаётини дўстсиз ўтказишни истамайди.***

*Qaror va ijro*

# Автомототранспорт: давлат рақами ва халқаро талаб



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Автомобилларнинг давлат рақами белгилари ҳам халқаро стандартлар талабига мувофиқлаштирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июнда қабул қилинган **"Автомототранспорт воситалари учун рўйхатдан ўтказиш давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида"**ги қарори бунда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Қарор ижросини таъминлаш борасида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси томонидан барча зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Бу ҳақда мазкур бошқарма бўлими бошлиғи, подполковник Анвар Сулаймонхўжаев мухбиримизга қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Автомобилларга берилаётган давлат рақамида давлатимиз рамзларидан бири — Ўзбекистон Республикаси байроғи ҳамда "UZ" белгиси акс эттирилганини таъкидлаш лозим. Бу, автомобилларимизнинг қаерда бўлмасин, Ўзбекистон давлатига тегишли эканини кўрсатиб туради.

Мамлакатимиз — халқаро ҳамжамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси. Шундай экан, кўплаб соҳалар сингари автотранспорт давлат рақамларини жорий этишда ҳам халқаро стандартларнинг қабул қилиниши табиий ҳол. Шу боис миллий давлат рақамлари халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган лотин алифбосига мувофиқ тайёрланган. Масалан, Швейцарияда — CH, Австралияда — AUS, Россияда — RUS, Францияда — F белгилари жорий этилганки, ушбу ҳарфлардан автомобилларнинг қайси давлатга тегишли эканини билиб олиш қийин эмас.

Мамлакатимизда янги миллий давлат рақамига ўтишнинг яна бир зарурияти шундан иборатки, аҳолининг транспорт воситаларидан фойдаланишга бўлган талаби йил сайин ошиб бормоқда. Табиийки, бу янада кўпроқ давлат рақамлари расмийлаштирилишини тақозо қилади.

**— Тасдиқланган янги давлат рақамлари бу борада муаммо туғдирмайдими?**

— Йўқ. Янги давлат рақамларининг ҳар бир ҳудуд учун бир эмас, бир неча коди мавжуд. Бу код давлат рақами белгиларининг бошида ўз аксини топади. Ҳозирча пойтахтимиз аҳолиси ва Тошкентдаги ташкилотлар машиналари учун "01" ҳудудий коди орқали давлат рақами берилмоқда. Тошкент шаҳрининг белгиланган ҳудудий коди рақами 01 дан 09 гача. "01" коди билан рақам бериш ниҳоясига етгандан сўнг "02" коди акс этган рақамлар берилади.

Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар учун ҳам ана шундай кодлар тасдиқланган.

Шу ўринда айтиш жоизки, юридик ва жисмоний шахслар автомобилларига берилаётган давлат рақамлари бирбиридан фарқ қилади. Юридик шахслар автомобиллари давлат рақамида ҳудудий коддан кейин учта рақам ва учта ҳарф кетма-кет жойлаштирилса, жисмоний шахслар автомобилларида битта ҳарф, учта рақам, кейин яна иккита ҳарф ўрин олган.

Шунингдек, турли даражадаги халқаро ташкилотлар, чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар автомобиллари учун ҳам янги давлат рақами намуналари ишлаб чиқилган. Уларнинг фони асосан яшил ва сариқ рангда бўлиб, ҳарф ва рақамлар кетма-кет жойлаштирилган.

**— Давлат рақами белгиларини тайёрлаш жараёнида қайси меъёрларга амал қилинмоқда?**

— Давлат рақами белгиларини тайёрлашнинг халқаро талаблари бўлиб, бунда, албатта, уни тайёрлашда ёруғликни акс эттирувчи қопламалардан фойдаланилиши, чидамли, емирилишга қарши металл қотишмалари қўлланилиши даркор. Мамлакатимизнинг миллий давлат рақами белгиларини тайёрлашда бу талабларга тўлиқ риоя қилиниб, барча жараён махсус технологияга мувофиқ амалга оширилмоқда.

Булар қалбакилаштиришдан ҳимоя қилишнинг юқори даражасини таъминлашнинг муҳим омилидир. Бундай юқори сифат ҳамда давлат рақамларини беришда уларни рўйхатдан ўтказиш ва ҳисобга олишнинг электрон тизими жорий этилгани улардан ноқонуний фойдаланишнинг олдини олади.

**— Янги давлат рақамларини бериш қандай тартибда амалга оширилмоқда? Ҳозирги кунда ҳам эски намунадаги рақамлар учрайди-ку.**

— Давлат рақами белгиларининг янги намуналарини жорий этиш босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда. Аввалига автотранспорт эгаларининг аризаси асосида ихтиёрий равишда давлат рақами берилди. Кейинчалик янгидан рўйхатдан ўтказилаётган барча автомототранспорт воситаларига мажбурий тартибда янги давлат рақамлари берила бошланди.

Эски автомототранспорт воситалари эгаларининг ҳозирги кунгача асосий қисми янги давлат рақамини расмийлаштирган. Айрим фуқароларнинг ҳамон эски давлат рақамидан фойдаланаётганининг сабаби бу рақамдан фойдаланиш тақиқланмаганида. Эслатма тарзида айтиш жоизки, ҳукуматимизнинг тегишли қарорига кўра, 2013 йил 1 январгача барча автомототранспорт воситалари эгалари янги миллий давлат рақамига эга бўлиши шарт. Боиси мазкур кундан бошлаб эски намунадаги давлат рақамлари ҳақиқий ҳисобланмайди.

**Норгул АБДУРАИМОВА суҳбатлашди.**

**Аввало шуни таъкидлаш жоизки, олимлар айиқларнинг бу тури Шарқий Австралия ўрмонларида яшашини атиги икки аср муқаддам аниқлашган эди. Йигирманчи аср бошида эса, бу айиқлар бошига, ҳақиқий маънода, кулфат тушди. Яъни дунёда юмшоқ, ипакдек майин кумушранг жун билан қопланган австралия айиқчалари терисидан тайёрланган матоҳларга нисбатан талаб ортиб кетиши натижасида улар аёвсиз овлана бошланди.**

*Sirli olam*




## ТАБИАТНИНГ ҚОПЛИ ЖОНЗОТЛАРИ

Масалан, биргина 1908 йилда Австралиянинг Сидней шаҳридаги бозорларда халтали айиқларнинг 60000 дан ортиқ териси сотилгани ҳақида маълумотлар бор. 1924 йилга келиб эса, Австралиянинг шарқий ҳудудларида бу жониворларнинг 2 миллиондан ортиғи қурбон бўлган. Мана шундай муносабат оқибатида бу жониворлар Австралиянинг Виктория ва Янги Жанубий Уэльс штатларидан батамом қирилиб кетади, улар фақат шимолий Квинслед штатларида сақланиб қолган. Бу жонзотларга нисбатан таҳдид шу ерда тўхтаб қолмади, аксинча, квинследлик айиқчаларнинг ҳам 600 мингга яқини овчилар ўқ-ёйидан ҳалок бўлди. Фақатгина ўтган асрнинг 30-йилларига келиб, яъни она табиат, сал бўлмаса, яна бир ноёб турдаги жониворлардан бутунлай маҳрум бўлишига оз қолганда, халтали айиқларни овлашга нисбатан қатъий тақиқ ўрнатилиб, улар ҳимоя остига олинди.

Ҳозирги кунда бу ёқимтой айиқчалар Австралиянинг шарқий қирғоқолди ҳудудларида яна кўпайиб бормоқда. Қизиқ томони шундаки, халтали айиқчалар ер юзининг бошқа бирор-бир ҳудудида учрамайди. Яна шуни айтиш жоизки, бу жониворларни ер юзидаги бирорта ҳайвонот боғида ҳам асрашнинг иложи йўқ. Чунки бу айиқчалар фақат Австралия ўрмонларидаги эвкалипт ўт-ўлан ва япроқлар билан озиқланади.

Австралияда эвкалипт ўсимлик турлари 300 дан ортиқ. Агар халтачали айиқчалар уларнинг бор-йўғи, 20 туридангина озуқа ўрнида фойдаланишини ҳисобга оладиган бўлсак, уларнинг табиати нақадар нозик эканлигини англаб олиш мушкул эмас.

Ўрни келганда яна шуни айтиш жоизки, халтачали айиқларни коала деб ҳам аташади. Аслида коалалар дарахтларга тирмашиб чиқувчи халтали жониворлар турига киради. Унинг тўрттала оёғининг ҳам барча бармоқлари дарахтларга чиқишга жуда яхши мослашган. Улар асосан дарахт устида кун кечиришади.

Эндигина дунёга келган коалачалар жуда кичкина, ловия донасидек бўлиб, оғирлиги 5 граммни ташкил этади. Митти коалалар туғилиши билан дарҳол онасининг халтачасига яшириниб олади. Унинг ташқи дунё билан танишуви айнан ана шу халтачада бошланади. Фақат митти коала бир ёшга тўлгач, онасининг иссиқ бағридан дарахт шохларига чиқиб олади ва 18-20 йил мустақил ҳаёт кечиради.

Катта коалаларнинг вазни 16 килограмм, бўйининг узунлиги 80 см чиқади.

Умуман олганда, ер юзида халтали жониворларнинг турлари жуда кўп учрайди. Улар асосан Австралия, Тасмания, Янги Гвинея, шунингдек, Америка қитъасидаги оролларда учрайди. Ҳозирги кунгача бундай жониворларнинг 250 га яқин тури аниқланган бўлиб, уларнинг 87 таси Америкада яшайди.

Шулардан бири кенгуруларни билмайдиган одам топилмаса керак. Бу жониворларнинг 51 тури мавжуд. Энг кичкина мускус кенгурусининг танаси 40 сантиметр, оғирлиги ярим килодан ошмагани ҳолда, энг йирик кенгуру турларининг бўйи 3 метр, оғирлиги эса 80 килограммгача етиши мумкин.

Кенгуруларни дунёдаги жуда кўплаб ҳайвонот боғларида учратиш мумкин. Улар, одатда, жуда тез кўпаяди, аммо кенгуру боласининг она халтасида қандай пайдо бўлиши узоқ вақт сирлигича қолиб келган эди. Бу сирнинг тагига етишга эса, киноаппарат кўмаклашди. Кенгурунинг бола кўриш жараёнини узоқ вақт яширин суратга олган тадқиқотчилар кинокамера плёнкасини биринчи марта кўришдан олдин она кенгуру боласини худди бебаҳо гавҳар каби авайлабгина халтачасига солиб қўйишини тасаввур қилишган эди. Ахир, уни гавҳар демай бўладими? Чунки митти кенгуру она қорнида бир ойдан ортиқ ҳомила ҳолида бўлиб, дунёга бор-йўғи 1-2 грамм оғирлик билан келади. Эндигина туғилган, кўзсиз, қулоқсиз кенгуру боласи айнан она халтачасида куч-қувватга тўлади. Буни қарангки, шундай митти бўлишига қарамай, кенгуру туғилгандан сўнг онасининг халтачасига ҳеч кимнинг кўмагисиз тушиб оларкан. Австралиялик биологлар Г.Шармэнк ва Х.Фрисулар кузатувидан шу нарса аниқланганки, дунёга келган кенгуру боласи, гарчи ҳеч нарсани кўрмай, ҳеч нарсани эшитмаса ҳам, табиий инстинкт орқали ўрмалаб ўз беланчагини, яъни она халтачасини топиб олар экан. Онасининг қалин туклари орасидан йўл излаётган бу митти чақалоқ ўзи учун жуда улкан бўлган масафони миллиметрлаб босиб ўтади ва ниҳоят, халтачага етиб олади. Митти кенгурулар ўз ҳаётининг 3-4 ойини буткул қоронғуликда ўтказади. Фақат кўзлари очилгач, улар аста-секин атроф-оламни кузата ва англай бошлайди. Халтачадан секингина бошини чиқариб, чор атрофга назар ташлаган жажжи кенгуру бирор нарсадан чўчиб кетса, дарҳол халта ичига яшириниб олади. Кейинчалик эса, у халтачадан фақат бошини эмас, олд оёқларини ҳам чиқара бошлайди.

Орадан 6-8 ой ўтгач, кенгурулар халтачани тарк этиб, мустақил ҳаёт кечира бошлайди, аммо онасидан анча вақтгача узоқлашмай юради. Бирор хавф-хатарни пайқади дегунча ҳуркак болакай чаққонлик билан югуриб, ақл бовар қилмас аниқликда, худди баскетбол коптогидай, онасининг халтасига сакраб кириб, яшириниб олади.

**Интернет материаллари асосида Дилфуза ҚЎЗИЕВА тайёрлади.**

**Ҳаётда белгилаб қўйилган тартиб-қоидаларга риоя қилган одам ҳеч қачон кам бўлмайди. Чунки бу саъй-ҳаракатлар жамиятда қонунийликни таъминлайди. Бошқача айтганда, ҳалоллик инсонийлик зийнатидир. Нафс қутқусига учиб, қинғир ишга қўл урган кимса эса, охир-оқибат юзшувут бўлиб қолади.**

*Saboq*

# Ҳалоллик — инсон зийнатидир

## унга зид иш тутиш жавобгарликка сабаб бўлади

Навбаҳор туманида яшовчи Нарзулла Тўхтаев тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланарди. У таниш-билишлари ўртасида ҳимматли ва самимий инсон сифатида обрў-эътибор қозонганди.

Аммо орадан кўп ўтмай у ҳалол топганига қаноат қилишни унутди. Гап шундаки, Н.Тўхтаев ўзининг банкдаги ҳисоб рақамида турган пул маблағларини гўёки ҳожатбарор қиёфасида ўзгаларнинг ҳожати учун кўчириб бериб, улардан нақд пул олиш, яъни нақдлаштириш кўчасига кирган. Бу хатти-ҳаракати билан у Вазирлар Маҳкамасининг 2002 йил 5 августдаги **«Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори талабларига зид равишда иш тутган.

Н.Тўхтаев «Халқ банки» Навбаҳор тумани филиалидаги ҳисоб рақамидан 2009-2011 йиллар ва 2012 йилнинг 1 июнига қадар қонун талабларини бузиб, кўчириб берилган пулларни нақдлаштириб олганлик рўйхати анча узун. Масалан, «Саломат ая» фермер хўжалигининг устав жамғармасини шакллантириш учун 2 миллион 900 минг сўм; З.Қодиров томонидан эски Бешработ почта биносини сотиб олиш учун 1 миллион 800 минг сўм; олий ўқув юртларида контракт-шартнома асосида таҳсил олаётган талабалар — А.Абдураҳмонов, Н.Аҳмедова, Б.Боймуродов, Х.Ибрагимов, Х.Ҳожиеваларнинг ҳар бирига 1 миллион 200 минг сўмдан; С.Обидовнинг ўқиши учун 1 миллион 600 минг сўм; Ф.Абдуназаровга эса, 1 миллион 400 минг сўм кўчириб берган.

Н.Тўхтаевнинг асл мақсадини билмаганлар унинг «ҳожатбарор»лигига қойил қолишган бўлса керак. Буни қарангки, у фуқаро М.Носировнинг жарима тўлови учун 248 минг 600 сўм, Ж.Ғаниевнинг ер участкасини фотосёмка қилиш учун 869 минг 700 сўм, ҳатто Х.Очиловнинг алимент тўловига 820 минг сўм банк муассасасидаги ўз ҳисоб рақамидан маблағ кўчирган ва бу пулларни эгаларидан нақдлаштириб олган. Шу тариқа Н.Тўхтаев 28 миллион 509 минг 400 сўм пулларни нақдлаштириб, савдо қоидаларини жуда кўп миқдорда бузган.

Судланувчи Н.Тўхтаев сингари Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисмида кўрсатилган жиноятни Баҳриддин Муҳиддинов ҳам содир этган. Унинг қисқача тафсилоти эса, қуйидагича. «Зилол» кичик корхонаси иш юритувчиси вазифасида ишлаб келган Б.Муҳиддинов мазкур кичик корхона ҳисобида турган дурадгорлик цехи биносини «Сарвар» тўйхонасига айлантирган. У Вазирлар Маҳкамасининг «Нақд пул муомаласини мустаҳкамлаш ва тижорат банкларининг масъулиятини оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 264-сонли, «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 280-сонли ва «Фискал хотирага эга бўлган назорат-касса машиналарининг қўлланилишини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 306-сонли қарорлари талабларини қўпол тарзда бузган.



Судланувчи Б.Муҳиддинов 2011 йил давомида Нурота тумани ҳудудида яшовчи жами 51 нафар фуқаролардан «Сарвар» тўйхонасида тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш учун тўлов сифатида 26 миллион 210 минг сўм олади. Аммо у бу маблағни банк муассасасига топширмасдан, хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган.

Суд судланувчиларга нисбатан жазо тайинлашда уларнинг қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, яшаш жойидан ижобий тавсифланганлиги, муқаддам судланмаганликларини, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олди.

Олий суд Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги **«Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»**ги қарорининг 37-бандида белгиланган талабларга амал қилиб, ҳар икки судланувчига нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаб, айбланаётган модда санкциясида назарда тутилган жарима жазосидан ҳам камроқ жарима жазоси тайинлашни лозим топди.

Шунингдек, суд Олий суд Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги «Тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти айрим масалалари ҳақида»ги қарори 26-бандидаги раҳбарий кўрсатмасига таянди. Ушбу бандда «Судларга тадбиркорлик фаолияти билан боғлиқ жиноят ишлари юзасидан ҳуқуқий асослар мавжуд бўлган ҳолларда айбдорларни муайян ҳуқуқдан маҳрум этмасдан уларга ахлоқ тузатиш иши жазосини ўз иш жойида ўташликни белгилаш мақсадга мувофиқлиги тушунтирилсин» дея қайд этилган. Суд ана шу раҳбарий тушунтиришдан келиб чиқиб, суланувчилар Н.Тўхтаев ва Б.Муҳиддиновга Жиноят кодексининг 45-моддасини қўлламасликни лозим топди.

Судланувчилар Н.Тўхтаев ва Б.Муҳиддинов Жиноят кодексининг 189-моддаси 3-қисми билан айбдор, деб топилиб ва шу модда билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қўлланиб, энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан миқдорда жарима жазосига тортилди.

Хулоса қилиб айтганда, ҳар ишнинг ўз қонун-қоидаси бўлиб, фуқаролар уларга қатъий риоя этиши зарур. Шунда атрофидагилар, таниш-билишлар олдида ҳеч кимнинг боши эгилмайди.

**Абдуваҳоб ХЎЖАМОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Навбаҳор туман судининг раиси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*«Куч — адолатда» мухбири*

КУЧ—АДОЛАТДА

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ISSN 2181-6123

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Бўритош МУСТАФОЕВ
Шерали РАҲМОНОВ
Боқижон ЯХЁЕВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Сардор ҲАМРОЕВ

Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй.
E-mail: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1216. Қоғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда. Адади: 5836.
2 3 4 5 Топшириш вақти: 20[30] Топширилди: 21[00]